



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “25 ” mart

Қ-211 -son

Termiz sh.

Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви “Қуштепа” маҳалласи ҳудудидан “ABUBAKIR SABINA TOMORQA XIZMATI” МЧЖга боғ ташкил этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 22 февралдаги 05-02/113-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 06 февралдаги 03-05/49-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви “Қуштепа” маҳалласи ҳудудидан “ABUBAKIR SABINA TOMORQA XIZMATI” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 474қ-дала контуридаги жами 35,3 гектар, шундан 35,0 гектар яйлов, 0,3 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдони боғ ташкил этиш учун (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов